

## NATURAL GEOGRAPHICAL PROCESSES ON THE MOUNTAINS

PhD. Adilova Ozoda Amonovna  
Jizzakh State Pedagogical Institute

**Annotation.** The article discusses the natural geographical processes that occur as a result of the use of natural resources in the Gubdin Mountains.

**Keywords.** Tumorka, well, spring, soil, slander, hooves, mudflow, urochisha, surilma, erosion, soy.

### ҒЎБДИН ТОҒИДА РЎЙ БЕРАЎТГАН ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЖАРАЎНЛАР

PhD. Адилова Озода Амоновна  
Жиззах давлат педагогика институти

**Аннотация.** Мақолада Ғўбдин тоғида тарқалган табиий ресурслардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган табиий географик жараёнлар муҳокама этилган

**Таянч сўзлар.** Томорқа, кудук, булок, грунт, жала, туёк, сел, урочиша, сурилма, эрозия, сой

Нурота тоғларининг жанубий тармоғи ҳисобланган Ғўбдин тоғининг шимолий ва жанубий ёнбағрларида сувли сойлар ҳамда йирик булоқлар кўп. Тоғ этакларидаги қишлоқ аҳолиси қадимдан сой сувларидан фойдаланиб, суғорма деҳқончилик билан шуғулланишади. Кейинги йилларда тоғдаги булоқ сувларини қишлоқ аҳолиси пластмасса қувурлар билан уйларига олиб келиши натижада сой сувлари камайиб кетган, баъзи сойлар эса қуриб қолган. Илгари сой сувлари ҳовузларга тўпланиб, улардан қишлоқ аҳолиси навбат билан фойдаланиб, ўзларининг томорқа ерларини суғоришар, бу сув ҳаммага бир хил тақсимланар эди, ҳозир бу тақсимот бузилган. Тоғнинг баланд қисмларидаги катта булоқлар бир неча оилани сув билан таъминлайди холос.

Баъзи оилаларга кам сувли кичик булоқлар теккан, баъзи оилаларга эса умуман булоқ суви етмаган. Натижада баъзи қишлоқларда ичимлик сувини қўшнилардан олишади ёки ўзлари кудук қазиган. Сувнинг бундай тақсимланиши нотўғри албатта, Ғўбдин тоғида табиий ресурслардан интенсив фойдаланиш табиат таназзулини кучайтирмоқда. Буларга тупроқ-грунт сурилмаси, тупроқ ювилиши, тупроқларнинг яланғочланиб қолиши, сув эрозияси, тош қулашлари, сурилмалар, тош сочилмаларидан ҳосил бўлган ариқлар, сел ҳодисаси кабилар қиради. Тупроқ-грунт сурилмаси ёнбағирларда тупроқ ва унинг остидаги юмшоқ грунт қатлами устидаги чим қатлами сурилиб кетишидан ҳосил бўлиб, очилиб қолган ёнбағирлардир. Бу Ғўбдин тоғининг шимолий ёнбағридаги қишлоқлар яқинида кенг тарқалган. Уларнинг майдони ҳар битта қишлоқ атрофида бир неча ўн квадрат метрдан бир неча юз квадрат метрга етади. Бу табиий жараён Ғўбдин, Хитоюз, Хўжакабуд қишлоқлари атрофларида анча катта майдонни эгаллайди. Тупроқ-грунт сурилиши сурилмадан фарқ қилади. Сурилманинг келиб чиқишига грунт сувларининг грунт тагига киришидан ҳамда унинг устидаги деллювиал ётқизикнинг пастга қараб сурилишидан ҳосил бўлиб, унинг қалинлиги бир неча метрга етади.

Ушбу биз мисол келтирётган тупроқ-грунт сурилишининг қалинлиги бир неча ўн сантиметрга боради. У асосан чорва молларининг кўп боқилиши туфайли ҳосил бўлади. Одатда қир ёнбағирларида тупроқ ва унинг остидаги грунт қатламининг ювилиб кетишидан кўп йиллик ўсимликлар илдизлари (шувоқ, кўзиқулоқ, янтоқ ва бошқ.) ҳамда эфемероидлар (қўнғирбош, чўл илоқ) сақлаб туради. Улар чорва молларининг туёқлари билан эзиб пайҳон қилгач, яхши ривожланмайди, натижада илдиз тизими кучсизланади, оқибатда баҳор ойлари нам оғир тупроқ-грунт қатламнинг қирнинг пастига томон сурилишига шароит яратади.

Худди шундай жараёнлар тупроқ ювилиши, яланғочланиши, сув эрозияси жараёнларининг кучайиши ҳам чорва молларининг кўп боқилиши, бута ва дарахтларнинг қирқиб юборилиши билан боғлиқ. Тош кулашлари, тош сочилмаларининг қир ёнбағирлари бўйлаб пастга тош ариқча кўринишида “оқиши” ҳам физик нурашнинг кучайиши билан боғлиқ.

Сурилма ҳодисаси Ғўбдин тоғининг шимолий ёнбағрида кўп тарқалган бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири тоғнинг шимолдаги қир ёнбағирларида нисбатан қалин делювиал ётқизиклар тарқалганлигидандир. Уларнинг сурилиб пастга тушиши ҳам инсон хўжалик фаолияти билан боғлиқ. Қирликлар пастидан йўл ўтказишлар, қурилиш учун тошларни қовлаш, турли мақсадларда қумсиз майин тупроқларни олиш ёнбағирларда тупроқ-грунтлардаги мувозанатни бузади. Суянчсиз ётқизик ёнбағир бўйлаб пастга сурилиб тушади. Шундай сурилмалар Ғўбдин, Хитоюз, Қурисой сой ҳавзаларида учраши мумкин.

Кейинги йилларда Ғўбдин тоғида сел ҳодисаси тез-тез бўлаётганини кузатишимиз мумкин. Илгари сел ҳодисалари кучли жала ёғинлар туфайли ҳосил бўлар эди. Ҳозир ўртача жадалликда ёғадиган ёғинларда ҳам сел ҳосил бўлмоқда. Бунинг сабаби ёнбағирларда ўт қопламанинг сийраклиги, дарахт ва буталарнинг йўқлиги ёки камлиги ҳисобланади. Демак, юқоридан келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики ушбу табиий жараёнларнинг ривожланига асосий сабаб бу - антропоген омил ҳисобланади.

#### **Адабиётлар**

1. Adilova O.A., (2021). Problems of Protection and Reproduction of Trees and Bushes in Mountain Conditions of the Middle Zerafshan Valley. // Nature and Science. USA. Volume 19, 13-17 p
2. Адилова О. А. (2021) Ғўбдин тоғида чўлланиш жараёнига таъсир этувчи индикаторлар. Журнал естественных наук, 1(2). 2021 й. 97-100 б
3. Адилова, О. А. (2021). Чўлланиш жараёнини ўрганиш бўйича тадқиқот усуллар. Журнал естественных наук, 1(4). 2021 й.
4. Адилова, О. А. (2021). Критерии оценки процесса опустынивания в горных и предгорных территориях (на примере Губдинтау). *Экономика и социум*, (4-1), 550-556.
5. Алибеков Л.А. Инсон ва табиат. “Фан ва технологиялари” Тошкент. 2016 йил 32-35 б.
6. Rakhmatullayev A., Adilova O.A. Facts from experimental work, obtained during investigation of desertification process through key monitoring sites at Gubdintau mountain range. // International Journal of Scientific & Technology Research. -India, 2020.-P.2431-2435.